

ISSN 2091 – 5618

# AGRO ILMU

2016- 4(42)-SON



<b>Б. ТИРКАШОВ, Ж. ТЕМИРОВ.</b> Манзарали ва ўрмонбон дарахтларнинг истиқболлари .....	50	<b>Н. КҮЧКАРОВ.</b> Харажатларни самарали бошқаришда омиллар таъсирини баҳолаш .....	77
<b>Х. ЮЛДАШЕВА.</b> Зайтун етиштириш агротехникаси .....	51	<b>Д. БАЗАРОВ, С. ШКОЛЬНИКОВ, С. ХИДИРОВ.</b> Основные типы анизотропии гидравлического трения в двумерных (плановых) управлениях сен-венана .....	78
<b>Қ. БАБАБЕКОВ, Н. ХҲЖАМШУКУРОВ, Х. АГЗАМОВА.</b> Ғўза зараркундаларига қарши микробиологик кураш истиқболлари .....	52	<b>И. МАХМУДОВ, Н. МУРАДОВ, У. САДИЕВ.</b> Особенности формирования водного режима в условиях орошения .....	79
<b>Б. БОЛТАЕВ, М. МУХАММАДИЕВА, Б. ИБРОҲИМОВ.</b> Ғўза зараркундаларига қарши кимёвий усулни қўллашнинг зарарини камайтириш ва биологик усулнинг ролини ошириш омили .....	54	<b>А. НУРБЕКОВ, Б. АЙБЕРГАНОВ, Е. САДЫКОВ.</b> Экологическая и экономическая целесообразность перехода от традиционной к нулевой обработке почвы в условиях северных районов Каракалпакстана .....	81
<b>Х. МАШРАПОВ, С. УСМАНОВ, К. ХУДАРГАНОВ.</b> Ғўза навларини сунъий инфекция фонидан фойдаланган ҳолда <i>VERTICILLIUM DANTIAE</i> KLEB билан касалланиш суръатини ўрганиш .....	55	<b>З. МУРАДОВА.</b> Техник сервис системасида маркетинг тамойиллари .....	82
<b>Д. АМИНОВА, Х. ЯХЯЕВ.</b> Ғўзанинг биологик усулда химоя қилиш самарадорлигини ошириш йўллари ва усуллари .....	56	<b>М. ШОУМАРОВА, Т. АБДИЛЛАЕВ, Ш. ЮСУПОВ.</b> Шпенделни айлантиришда кўп қиррали тасмадан фойдаланиш афзалликлари .....	83
<b>Ф. МУСУЛМОНОВ.</b> Ғўза тунламининг табиий кушандалари ва биологик кураш .....	58	<b>Д. НОРЧАЕВ.</b> Проблемы выкопки картофеля и их решение в условиях Узбекистана .....	85
<b>А. МЕЙЛИЕВ, А. ОРИПОВ, Ш. АМАҲОВ.</b> Бугдойнинг сариқ занг касаллигига қарши кураш чоралари .....	58	<b>М. ТОШБОЛТАЕВ, Ж. НОРЧАЕВ.</b> Энергосберегающий копатель для уборки лука .....	86
<b>Д. ОБИДЖОНОВ, Ш. ХҲЖАЕВ.</b> Картошка қуясининг биоэкологияси ва унга қарши самарали кураш чоралари .....	60	<b>О. ДИЛМУРОДОВ, А. БАХРИДДИНОВ, Ж. КҮЧАРОВ.</b> Малакали кадрлар салоҳияти самарадорлигининг ошириш йўллари .....	87
<b>Н. МУХСИМОВ, Б. МАМУТОВ, Д. ТҲХТАЕВА, А. НОВИЧКОВА.</b> Манзарали дарахт ва бута ўсимликларининг барғхўр зараркундалари .....	62	<b>Б. МҲМИНОВ, А. ХАМДАМОВ, З. САФАРОВА.</b> Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш .....	89
<b>Н. МАМЕДОВ, А. МАРУПОВ, М. ЗУПАРОВ.</b> Монилиоз касаллигини қўзғатувчисининг биоэкологик хусусиятлари .....	62	<b>Х. РҲЗМЕТОВА.</b> Кичик бизнес субъектлари иқтисодий аҳборот тизимлари истеъмол сифатини регрессия моделлари асосида баҳолаш .....	90
<b>А. ХОЛЛИЕВ, С. ДУСМАНОВ, П. НУРМАХМАДОВА.</b> Нўхат ғўза тунламига қарши кимёвий препаратларнинг самарадорлиги .....	64	<b>Ф. ХАМИДОВ.</b> Фермер хўжалиги юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш .....	92
<b>Р. ЮСУПОВ.</b> Полиэ экинларини қовун пашша зараркунандасидан химоя қилиш .....	65	<b>Р. СУЛТОНОВ.</b> Фермер хўжалиklarининг ҳуқуқий асослари .....	93
<b>А. МАМБЕТНАЗАРОВ.</b> Кузги бугдойда фузариоз илдиз чирши касаллигининг тарқалиши .....	65	<b>З. ХАФИЗОВА, С. АБДУҚОДИРОВА.</b> Суғориладиган ерларда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш .....	95
<b>Ш. РИЗАЕВ.</b> Ғаллазор бегона ўтларига қарши агротехник ва кимёвий кураш тадбирларининг тупроқ микрофлорасига таъсири .....	66	<b>И. ЮНУСОВ.</b> Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг меъёрий ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми .....	96
<b>Ф. ЖҲРАЕВ, Р. ШАРОПОВ.</b> Дренаж-туйнук қуришда чизикли бўлмаган ер ости сувларини сизиш жараёнида бир ўлчамли оқимнинг умумий дифференциал тенгламалари .....	68	<b>Б. НОСИРОВ, К. АЪЗАМЖОНОВ.</b> Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси .....	97
<b>А. ЖУМАНОВ, Ж. БОЙҚУЛОВ.</b> Тоғолди ҳудудлардаги тупроқларни сув эрозиясидан химоялаш .....	70	<b>У. КАХХАРОВ.</b> Основные виды русловых процессов, происходящие при двустороннем стеснении водного потока в реках, русло которых сложены легкоразмываемыми грунтами .....	98
<b>Р. ОЙМАТОВ, С. ХИКМАТУЛЛАЕВ, С. САФАЕВ.</b> Қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ шўрланиши картасини тузишда геоаҳборот технологияларидан фойдаланиш .....	72	<b>И. ПРАТОВ, Д. ТАЛИПОВА.</b> Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш .....	100
<b>У. САҲТИРОВА.</b> Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштиришнинг аҳамияти .....	74		
<b>У. МУХТАРОВ, Ю. УСМАНОВ.</b> Ер ҳисобини юритиш тизими .....	75		

# СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*In our country water is single and limited resources, since our government mentioned, that increasing needs for water is naturally as well as it is being given single improving for management of water resources.*

Бугунги кунда республикамиз халқ хўжалигининг турли тармоқлари эҳтиёжини тўла таъминлаш мақсадида, ҳар йили ўртача 70 куб км атрофида сув ресурслари ишлатилади. Ушбу миқдордаги талабнинг 56-60 куб км га тенг қисми ер усти сувлари ҳисобига таъминланса, қолган қисми ер ости сувлари ҳисобига тўғри келади. Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, сув ресурслари танқис бўлган ва сифати ёмонлашиб бораётган шароитда сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш нафақат республика балки бутун минтақамиз - Орол денгизи ҳавзасининг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бошланган ер ислохотлари сув хўжалиги бошқарувида ҳам таъсир кўрсатди. Илгари суғориш сувини фақат бир неча жамоа хўжалигига етказиб берган давлат сув хўжалиги ташкилотлари энди кўп сонли индивидуал фермерлар билан иш олиб бориши зарур. Натижада янги қишлоқ хўжалиги тизими, эски корхоналар ва ташкилотларнинг қонун-қондалари ва иш юритиш амалиёти орасида номутаносиблик пайдо бўлди. Сув захиралари танқислиги сув тақсимоли жараёнини қийинлаштирди, айниқса, ирригация тизимининг охирида жойлашган экин майдонлари учун сув етказиб бериш муаммога айланди, пировардида ҳосилдорликнинг пасайиши, тупроқнинг шўрланиши, саҳроланиш, кўлларнинг қуриши ва биохимиа-хилликнинг камайиш жараёнлари кучайди.

Президентимиз раҳномалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар туфайли аграр соҳадаги муаммолар бартараф этилмоқда. Фермер хўжаликлари экин майдонлари мақбуллаштирилиб, уларнинг ривожини учун зарур шарт-шароитлар ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Экин майдони эгалари ва қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда сувдан фойдаланувчиларнинг сув таъминоти ўрганиб чиқилиши зарур бўлган

масаладир. Бизнингча сув инфратузилмасининг техник жиҳатдан яхшиланиши институционал ривожланиш билан ёнма-ён бўлиши керак. Ирригация тизимидаги суғоришдан бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш учун уларни сувга бўлган талабларини ҳисобга олиш механизминини яратиш зарур.

СФУ ларнинг сув хўжалиги тизимидаги ўрни ва мавқеини белгилаб берувчи қонун қабул қилиниши ёки мавжуд қонунларга ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

СФУ ларни гидрографик чегараларда тузиш ва йирик каналларнинг бошқарилишини ҳам СФУларга топшириш сув хўжалигини бошқаришдаги кўпгина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Фермерларга хизмат кўрсатадиган ташкилот сифатида тўлиқ иш олиб бориши учун СФУ лар техник воситалар билан таъминланиши лозим (транспорт, ирригация/дренаж инфратузилмасида техник таъмирлаш жиҳозлари, сув ўлчаш асбоблари). Ушбу техник воситалар давлат ёки халқаро донор ташкилотлари томонидан таъминланиши мумкин. Буларнинг амалга оширилиши, шак-шубҳасиз СФУ лар фаолиятини ривожлантиради, пировардида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олинишига пухта замин бўлади, эл фаровонлиги юксалади.

Хулоса қилиб айтсак, 2008 йил қурғоқчилик даврида асосий сув истеъмолчилари бўлмиш фермерларнинг сувни бошқаришдаги биргаликда қилган ҳаракатлари ижобий бўлди. Шу сабабли, ирригация тизимининг жорий институционал нуқсонларини бартараф этишда сувдан фойдаланувчиларнинг ижтимоий жиҳатдан жалб қилинишларини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун амалий ва ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилиши керак.

**И.ПРАТОВ  
Д.ТАЛИПОВА  
ТИМИ**

## АДАБИЁТЛАР

1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси таъсис этишининг ва ҳуқуқий масалаларига оид қўлланма., Тошкент - 2000 й. 6 - 10 б.
2. "Сув ва сувдан фойдаланувчилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2009 йил 25 декабрь №УРҚ-240 (Янги таҳрир).
3. "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2007 йил 28 декабрь (Янги таҳрир).
4. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1996 йил 30 август № 279-І.
5. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
6. [news.uzreport.uz](http://news.uzreport.uz)
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
8. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)